Volume 3, Issue 1,2024

ENSURING THE SAFETY OF THE USE OF GENOMIC INFORMATION

Абдураҳимов Мухтор Хожиакбарович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқий таъминлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Аннотация: мазкур тезисда геномга оид ахборотдан белгиланган мақсадларда фойдаланиш ва геномга оид ахборотдан нотўғри фойдаланиш натижасида юзага келадиган таҳдидлар муҳокама қилинади.
Аннотация: В тезисах рассматриваются вопросы использования геномной информации в установленных целях и угрозы возникающие в результате неправомерного использования геномной информации.
Abstract: The theses discuss the use of genomic information for established purposes and the threats arising from the misuse of genomic information.

Сўнгги вақтларда генетик тестлар дунёда машҳур бўлиб, инсоннинг индивидуал қобилиятларини, масалан, унинг атлетик ёки бошқа қобилиятларини юқори аниқлик билан аниқлаш имконини бермоқда. Ўзининг аждодларидан мерос бўлиб қолган қобилиятларини олдиндан билган киши келажакда бу маълумотлардан ўзи учун энг мос фаолият турини танлашда фойдаланиши мумкин.
Бугунги кунда генетик усуллар ёрдамида қандли диабет, саратон, юрак хасталиклари каби бир қатор ирсий касалликларни аниқлаш мумкин. Шунингдек, генетика ютуқларидан одил судловнинг жиноий ва фуқаролик соҳаларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Ушбу соҳалардаги тадқиқотлар асосан инсоннинг шахсини идентификация қилиш, шунингдек, биологик қариндошликни аниқлаш учун ўтказилади. Жиноятчини аниқлаш учун жиноят содир бўлган жойдан биологик изларни олиш ва ДНК тадқиқотини ўтказиш, сўнгра геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базаси билан таққослаш керак.
Хорижий мамлакатларда жиноятларнинг олдини олиш ва очиш мақсадида геномга оид ахборотнинг маълумотлар базалари яратилган бўлиб, уларда ушбу мамлакатлар аҳолисининг катта қисмини геномга оид ахбороти тўпланган. Кўпгина мамлакатларда бундай маълумотлар базаларига оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахслар, таниб олинмаган мурдалар, шунингдек, биологик материали ҳодиса содир бўлган жойлардан олинган шахсларнинг геномга оид ахборотлари киритилган. Буюк Британия ва АҚШ каби мамлакатларда геномга оид ахборотнинг маълумотлар базалари ёрдамида ҳар йили 20 мингдан 50 минггача жиноят очилади.
АҚШ Федерал Қидирув Бюроси томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 2016 йил декабрь ҳолатига кўра, АҚШ аҳолисининг 4%дан ортиғи маълумотлар базасида рўйхатга олинган, яъни, жиноятчиларнинг 12 689 529 та профили, шунингдек, турли жиноят жойларидан олинган 750 217 та генетик профиллар (Combined DNA IndexSystem).[1]
Буюк Британияда 1999-2003 йилларда геномга оид ахборотлардан фойдаланиш самарадорлигини қуйидаги кўрсаткичлар тасдиқлайди: содир этилган ўғирликлар сони 14

[1] [Электронный ресурс] URL: http://www.fbi.gov/about-us/lab/biometric-analysis/codis/ndisstatistics

фоизга, автомашиналарни ўғирлаш – 6 фоизга камайди, ДНК таҳлили ёрдамида жиноятларни очиш даражаси 23 фоиздан 45 фоизга ошди.[2]

Бироқ геномга оид ахборотдан фойдаланиш жиноятларни очишнинг самарали усули бўлишига қарамай, геномга оид ахборотдан хавфсиз ва қонуний фойдаланишни таъминлаш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Геномга оид ахборотлардан фойдаланиш хавфсизлиги ҳар доим уни тўплайдиган ва сақланишини таъминлайдиган ДНК маълумотлар базаларининг ишлаши билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Юқорида айтиб ўтилганидек, бундай маълумотлар базалари ҳуқуқбузарларни рўйхатга олиш мақсадида ҳам, бошқа идентификациялаш мақсадларида ҳам яратилган ва геномга оид ахборотлар билан ишлашнинг миллий ва умумий халқаро қоидаларини ишлаб чиқиш имконини беради.

ДНКни секвенирование (ўқиш) қилиш технологияси ривожланиб, унинг нархи арзонлашгани сари янги ДНК маълумотлар базалари яратилади ва генетик маълумотни тақдим этиш учун турли хил пуллик хизматлар таклиф этилади.

Ўзбекистон шароитида бу хизматларга аҳолимизнинг эътибори тобора ортиб бормоқда. Фуқаролар ўзларининг геном ахборотларининг тўлиқ кетма-кетлигини аниқлаш учун турли хил хусусий тиббиёт муассасаларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар.

Мамлакатимизда геномга оид ахборот орқали шахсни идентификация қилишнинг ҳуқуқий асоси 2023 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги қонуни билан мустаҳкамланган бўлиб, унинг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистонда геном бўйича давлат рўйхатига олишнинг икки тури мавжуд: ихтиёрий ва мажбурий.

Мажбурий равишда геном бўйича давлат рўйхатига олиш (17-модда) оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этишда гумон қилинувчи ва айбланувчи сифатида жалб қилинган шахсларга, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлик ва ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузуқ ҳаракатлар қилганлик учун ҳукм қилинган шахсларга, таниб олинмаган мурдаларга (тана қолдиқлари ва қисмлари) ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов давомида биологик материали олинган шахси номаълум шахсларга нисбатан амалга оширилади.

Дунёнинг турли мамлакатларида геном бўйича мажбурий рўйхатга олиниши керак бўлган шахслар рўйхатини кенгайтириш бўйича фаол муҳокамалар олиб борилмоқда. Улардан баъзилари келажакда бутун мамлакат аҳолисининг геномга оид ахборотлари базасини яратиш ғояларига эга. Ушбу ғоя шахснинг туғилган пайтидан бошлаб геном бўйича мажбурий рўйхатга олинишини назарда тутади. Аммо бу ғоя кўплаб олимлар ва ҳимоячиларнинг қаршилигига дуч келиб, улар бундай қарашларни шахсга тегишли геномга оид ахборотни унинг рухсатисиз олиш ва ундан фойдаланиш мумкин эмаслиги билан асослайдилар.

Айрим хорижий давлатлар жиноятчиликка қарши кураш чораларини кўриш мақсадида шахсий геномга оид ахборотларнинг халқаро алмашинуви бўйича ҳамкорлик қилмоқда.

Шу билан бирга, жиноятни тергов қилиш мақсадида геномга оид ахборотлардан фойдаланиш кенг жамоатчилик муҳокамасини талаб қиладиган ижтимоий ва ахлоқий масалалар билан боғлиқлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасини яратиш жисмоний шахслардан ва жиноят содир бўлган жойлардан биологик намуналарни тўплаш ва сақлашни, ушбу

[2] Красавчиков В.И. Централизованные оперативно-справочные, розыскные и криминалистические учеты. Практика формирования и использования. Перспективы развития: в 2-х ч. М.: ГИЦ, 2009. Ч. 2

намуналардан ДНК-профилини ажратиб олишни ва компьютер маълумотлар базасида сақлашни талаб қилади. Қонунда кўрсатилган айрим ўзига хос ҳолатларда ДНКни шахснинг розилигисиз йиғишга рухсат берилади. Инсоннинг геномга оид ахборотини унинг розилигисиз олиш ва уни ДНК маълумотлар базасида сақлаш унинг шахсий ҳаётига тажовуз қилиш бўлиб, бундай ҳолатни фақатгина, жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида фойдаланилган ҳолда оқлаш мумкин.

Агар биологик материал ёки ДНКда инсон геноми ҳақидаги тўлиқ маълумот бўлса, унинг ДНК профилида фақат чекланган миқдордаги геномга оид ахборотлар мавжуд бўлиб, бу шахсни идентификация қилиш, қариндошлик муносабатларини, жинсини ва аждодлари ҳақидаги маълумотларни аниқлаш учун етарли ҳисобланади.

Геномга оид ахборотдан геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасини яратмасдан алоҳида ҳолатларда фойдаланиш мумкин. Аммо очилмаган жиноят жойларидан олинган ДНК профилларини маълумотлар базасида сақлаш янги гумон қилинувчининг ДНКсини очилмаган жиноятларда қидириш имконини беради.

Юқоридагилардан ташқари, жиноий бўлмаган мақсадлар учун мўлжалланган алоҳида маълумотлар базаларини яратиш зарурати ҳам мавжуд.

Бундай маълумотлар базаларига ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, бедарак йўқолганларнинг биологик қариндошларининг геномга оид ахборотлари орқали идентификация қилиш имконини берувчи маълумотлар базаси киради.

Юқоридаги тоифадаги шахслар жиноятчи ёки айбланувчи эмас ва уларнинг геномга оид ахборотларидан фақат белгиланган мақсадларда фойдаланиш адолатли бўлар эди. Мисол учун, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг геномга оид ахборотларининг маълумотлар базасидан фақат улар вафот этганлигини тахминини текшириш учун фойдаланиш керак.

Кўпгина мамлакатларда бедарак йўқолганларнинг биологик қариндошларининг геномга оид ахборотларием сақлаш бошқа маълумотлар базаларидан алоҳида ҳолда амалга оширилади ва фақат бедарак йўқолган шахсни идентификация қилиш мақсадида фойдаланилади.

Бундай маълумотлар базаларини бошқа ДНК маълумотлар базаларидан алоҳида сақлашнинг афзаллиги шундаки, бедарак йўқолганларнинг қариндошлари уларнинг сақланган профилларидан фойдаланиш фақат бедарак йўқолган қариндошларини қидириш билан чекланишини таъминлайди.

Аммо Ўзбекистон Республикасининг “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги қонунида геномга оид маълумотлардан фойдаланиш тартиби ноаниқ келтирилган бўлиб, маълумотлар базасида сақланаётган ҳар қандай геномга оид ахборотдан жиноятларни очиш мақсадида фойдаланиш имконини беради, бу эса адолат принципига зиддир.

Бундан ташқари, геномга оид ахборотини турли мақсадларда, шу жумладан ўз қобилиятларини, касалликларга мойиллигини ва бошқаларни аниқлаш учун қайта ишлашга рози бўлган шахс, ўз аждодларининг геномга оид ахборотини қайта ишлашга ҳам розилик билдирган ҳисобланади, чунки ҳар бир шахс ўзининг ДНКсида аждодлари ҳақидаги ирсий маълумотларни сақлайди. ДНК тадқиқотининг замонавий усуллари нафақат шахсни идентификациловчи маълумотларни, балки унинг биологик қариндошларининг мерос бўлиб ўтиши мумкин бўлган хусусиятлари ҳақида бир қатор муҳим ахборотларни олиш имконини беради.

Бундан келиб чиқадики, геномга оид ахборот субъекти ўзининг генетик маълумотларини қайта ишлашга розилик бериши орқали ўз қариндошларининг генетик маълумотларига, яъни субъектнинг шахсий маълумотларидан ташқарига чиқадиган маълумотларни қайта ишлашга ҳам имкон беради.

Агар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тўпланадиган геномга оид ахборотларни ҳимоя қилиш тизими учинчи шахслар (ғаразли мақсаддаги шахслар) томонидан ўзининг ноқонуний манфаатларини кўзлаб тизимга ноқонуний “бузиб кириш”дан етарли даражада ишончли ҳимояланган бўлса, агар мижоз ўзининг ДНКсидан тижорий ёки тижорий бўлмаган тадқиқотлар учун фойдаланишга рози бўлса, ДНКни нисбатан кам миқдорда ёки ҳатто бепул таҳлил қилишга тайёр компаниялар етарли даражада назорат қилинмайди, бу эса геномга оид ахборотдан нотўғри фойдаланишга олиб келиши мумкин.

Ушбу маълумотлардан нотўғри фойдаланиш баъзи ҳолларда фуқаролар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши мумкин, бошқа ҳолларда эса миллий хавфсизликка таҳдид солиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулосага келишимиз мумкинки, геномга оид ахборотнинг хусусий маълумотлар базаларини яратиш ва бу маълумотлардан фойдаланишни қонун билан қатъий назорат қилиниши, миллий хавфсизликни таъминлашдан келиб чиққан ҳолда маълумотлар базасининг айрим турларини яратиш умуман тақиқланиши керак.

